



## АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЕРЛАРИДА ҚУРИЛГАН КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРГА ОИД ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

О.Ж. Холмуминов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.  
oybekholmuminov24@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17826049>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-noyabr 2025 yil  
Ma'qullandi: 28-noyabr 2025 yil  
Nashr qilindi: 30-noyabr 2025 yil

### KEYWORDS

Кўп квартирали уй; уй-жой муносабатлари; фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар; умумий мулк; улушли мулк; ер ҳуқуқи; эгалик қилиш ҳуқуқи; фойдаланиш ҳуқуқи; тасарруф этиш.

### ABSTRACT

Мақолада аҳоли пунктларининг ерларида қурилган кўп квартирали уй-жой фондига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг назарий ва амалий жиҳатлари илмий таҳлил қилинган. Уй-жой муносабатларининг ҳуқуқий табиати, кўп квартирали уйларнинг умумий мулк, улушли мулк ва якка тартибдаги эгалик институтлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда мазкур мулк объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш механизмлари чуқур ўрганилади. Тадқиқотда шунингдек, ер участкасининг ҳуқуқий мақоми, кўп квартирали уйлар остидаги ерга нисбатан мулк ва фойдаланиш ҳуқуқларининг ўзига хослиги, уй эгалари ўртасида юзага келадиган мулк ва номулкий низоларни тартибга солиш механизмлари амалдаги қонунчилик асосида таҳлил қилинади.

Мамлакатимизда мулк ҳуқуқи объектларидан бири бўлган кўп квартирали уйларга нисбатан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар турли ҳуқуқ соҳалар орқали тартибга солиш механизмлари ва тартиблари мавжуд. Мазкур ҳуқуқ соҳалари орасида фуқаролик ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, уй-жой ҳуқуқи, шаҳарсозлик соҳалари муҳим аҳамиятга эга ва ушбу ҳуқуқ соҳаларидаги илмий таҳлилини ёритилишга ҳаракат қиламиз.

Демак, миллий қонунчиликда кўп квартирали уйлар, “кўп”<sup>1</sup> (сон, миқдор жиҳатдан, меъёрдан ёки нисбатан ортиқ) маъноларида қўлланилади. “Қават (қаватли)” эса бир неча маъноларда қўлланиладиган термин бўлиб, шулардан, хоналари устма-уст солинган биноларнинг бир баландликдаги хоналарда иборат қисми, қатори<sup>2</sup> сифатида қарашимиз мумкин. “Уй” яшаш учун ёки турли ташкилот, муассаса ва жойшлашиш учун мўлдалланган бино, яшаш учун мўлжалланган бино ичидаги ҳар бир хона, бирор оила

<sup>1</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20K.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20K.pdf). – Б. 490-491. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>2</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli\\_%20lug'ati%20-%20Q.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli_%20lug'ati%20-%20Q.pdf). – Б. 199-200. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога тааллуқли ер, ҳовли<sup>3</sup> каби маъноларида келади. Қайд этишимиз керакки ҳар бир давлатда, аҳоли пунктларининг ерларида асосан шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларида урбанизация ва реновация жараёнлари ҳисобга олинган ҳолда, хусусан Ўзбекистонда ҳам кўп квартирали уйлар жуда кўп миқдорда қурилмоқда ва аҳолини хусусий мулк объектларига ва уй жойларга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда десак бўлади.

Мазкур мулк объектлари саналган кўп квартирали уйлар албатта миллий қонунчилик талаблари асосида фойдаланиши кераклиги барча мулкдорлар учун зарурий қоида, мажбуриятлар сифатида белгиланган бўлса-да, ҳозирги кунда айрим мулк эгалари томонида турли муаммолар келиб чиқмоқда ва уларни бартараф этиш тегишли қонунчилик нормаларни такомиллаштириш заруриятини тақазо этмоқда. Ана шу муаммолардан бири бу – *биринчидан*, хонадонга кирувчи подъезд томонидаги эшиги ёпиб ташланиши, *иккинчидан*, балкон томондан эшик очилиб, ҳовлига айлантириб олишлари, *учинчидан*, тадбиркорлик қилиш учун жой сифатида фодаланишлари, *тўртинчидан*, бино қурилишига турли даражадаги ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритишлари каби ҳолатлар содир этилмоқда. Бу эса, юқори қаватларда истиқомат қилувчиларга учун хавф туғдириши мумкинлиги доим ҳам ҳисобга олинавермаслигини қайд этиш мумкин. Маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятда жами: 2 минг 249 та кўп квартирали уй мавжуд. Ўтган йилда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини назорат қилиш инспекцияси ҳудудий инспекторлари томонидан ўтказилган мониторинг ишларида кўп қаватли уйларда яшовчи мулкдорлар томонидан 342 та ҳолатда уй-жой фонди ва унга туташ ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилмалар барпо этилганлиги аниқланган ва аниқланган ҳолатлар бўйича ихтиёрий равишда 342 та мажбурий кўрсатмалар берилган. Мажбурий кўрсатмаларга асосан 200 дан ортиқ қурилма фуқаролар томонидан бузиб олинган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги ЎРҚ-581-сон Қонуни<sup>5</sup>нинг 5-моддасига асосан, аниқ ҳуқуқий таъриф берилди, яъни “*Кўп квартирали уй* – кўп квартирали уйга туташ ер участкасига ёхуд бундай уйдаги умумий фойдаланиладиган жойларга мустақил чиқиш йўлакларига эга бўлган икки ва ундан ортиқ квартиралар мажмуидир. Кўп квартирали уй улушли мулк ҳуқуқи асосида жойларнинг мулкдорларига тегишли бўлган умумий мулк (Қонуннинг 6-м.) элементларини ўз ичига олади”. Шу ўринда қайд этишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси<sup>6</sup>ни 221-моддаси мазмунида ҳар бир мулкдор умумий мол-мулк бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда, шунингдек мол-мулкни сақлаш ва асраш чиқимларида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улушига қараб қатнашиши шарт. Зарур бўлмаган

<sup>3</sup> [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20U.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20U.pdf). – Б. 271-272. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>4</sup> [https://uza.uz/uz/posts/kop-kvartirali-uyda-noqonuniy-qurilish-qilmang\\_584454](https://uza.uz/uz/posts/kop-kvartirali-uyda-noqonuniy-qurilish-qilmang_584454). (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>5</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2019 й., 03/19/581/4004-сон. <https://lex.uz/docs/4586282>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996. – №2. <https://lex.uz/docs/111189>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

ҳамда мулкдорлардан бири томонидан қолганларнинг розилигисиз қилинган харажатлар унинг ўз зиммасига тушади. Бунда келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 майдаги “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги ПҚ-4732-сон қарори<sup>7</sup> асосида ваколатли давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳри Қурилиш бош бошқармаси этиб белгиланди ва ҳар бир кўп квартирали уйларни барпо этилиши Электрон рўйхати юритилиши белгиланди ва унинг қуйидаги талабларга жавоб бериши аниқ белгилаб берилди:

– кўп квартирали уйларни қуриш учун белгиланган тартибда ажратилган ер участкаси ва қурилиш ишларини амалга оширишга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

– қурилиш мажмуасига кирадиган кўп квартирали уйлар ва бошқа қурилиш объектлари қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз молиявий ресурслари ёки мазкур маблағларга ёхуд унинг етишмаётган қисмига кредит ажратиш ҳақида банк қафолат хати мавжудлиги;

– қурилиш мажмуаси учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ва ижобий экспертиза хулосаси мавжудлиги (“fast-track” усулида амалга ошириладиган лойиҳалар бундан мустасно);

– техник ва муаллифлик назорати ҳамда давлат назоратини амалга ошириш бўйича тегишли шартномалар тузилганлиги;

– улушдорлар томонидан киритилган маблағларни жалб қилиш учун тижорат банкида алоҳида ҳисобварақ очилганлиги каби шартлар қўйилди.

Мавзу юзасидан хорижий тажрибалар эътибор қаратадиган бўлсак, дунёда кўп квартирали уйлар илк 1884-1885 йилларда АҚШда (Чикаго штатида) муаллифи меъмор Уильям Ле Барон Женни томонидан 10 қаватли уйлар сифатида, кейинчалик эса 12 қаватли уйлар барпо этилган<sup>8</sup>. Кейинчалик, бошқа давлатларда ҳам оммалашиб, қурилиш ишлари бошланган. Шунингдек, Статистик маълумотлар эътибор қаратадиган бўлсак 2023, 2024, 2025 йиллар давомида жаҳонда энг кўп, яъни Хитойда – 10 миллиондан зиёд, Ҳиндистонда – 2 миллиондан, Россияда – 1 миллиондан зиёд, Японияда – 800 мингдан зиёд, Туркияда – 600 мингдан зиёд, АҚШда – 500 мингдан зиёд, Францияда – 482 мингдан зиёд, Германияда – 295 мингдан зиёд, Австралияда – 170 дан зиёд, Бирлашган Араб Амирлигида – 20 мингдан зиёд уйлардаги квартиралар қурилиб, кўп квартирали уйлар сифатида фойдаланишга топширилганлиги таъкидлаш муҳим аҳамиятга эгадир<sup>9</sup>.

<sup>7</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.05.2020 й., 07/20/4732/0681-сон. <https://lex.uz/docs/4831129>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>8</sup> <https://www.architecture.org/online-resources/buildings-of-chicago/home-insurance-building>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>9</sup> <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/skyscrapers-by-country>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

Ўзбекистон Республикасида ҳам кўп квартирали уйлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу эса мулкдорлар сони ортишига муносиб равишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Айнан ушбу жараёнларни тартибга солиш ҳамда реализация қилинишда 2024 йилдан “E-auksion” ва “Mening uy” каби тизимлар орқали онлайн аризалар бериш амалиёти йўлга қўйилганлиги ижобий натижаларни бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони<sup>10</sup>нинг 6-бандига асосан, “Янги Ўзбекистон” массивларини ривожлантириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2023 йилда “Янги Ўзбекистон” массивлари ва 161 та бошқа массивларда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг йиллик ҳажмлари 1,6 бараварга оширилиб, 90 мингга етказилиши, бунда, уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситаларининг тураргоҳлари, шу жумладан кўп қаватли ва ерости автотураргоҳлар мажбурий равишда барпо этилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-37-сон Фармони<sup>11</sup>нинг 84-бандига белгиланган алоҳида вазифа сифатида: “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 45 тага ва уй-жой қурилиши ҳажмини 80 мингтага етказиш ва квартиралар қурилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сон Фармони<sup>12</sup>нинг 60-мақсадини 77-бандига кўра, 135 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 55 тага етказиш вазифаси жадал олиб борилмоқда.

Т.А. Хасанов фикрича, “Ўзбекистонда уй-жой фондини бошқариш шаклини мулкдорларнинг ўзлари танлайдилар, бошқариш шакли кўп жиҳатдан уй-жой фондининг ҳажмига боғлиқ бўлади”<sup>13</sup>.

Ю.А. Кицай фикрича ““Кўп квартирали уйнинг турар жойи” тушунчаси сифатида уй-жой фонди таркибида давлат ҳисоби органлари томонидан ҳисобга олинган алоҳида кўчмас мулк объектини тушунади, фуқароларнинг доимий яшаши учун яроқли бўлган

<sup>10</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й., 06/23/27/0121-сон. <https://lex.uz/uz/docs/6396146>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>11</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.02.2024 й., 06/24/37/0146-сон. <https://lex.uz/docs/6811936>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>12</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.02.2025 й., 06/25/16/0119-сон. <https://lex.uz/uz/docs/7369703>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>13</sup> Хасанов Т.А. Ўзбекистонда хусусий уй-жой фондини бошқариш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т. 2019. – Б. 20-21.

ҳамда белгиланган санитария ва техника қоидалари ҳамда нормаларига, қонун ҳужжатларининг бошқа талабларига жавоб бериши керак”лиги таъкидлаган<sup>14</sup>.

*Р.Р. Измайлов* эса, Уй-жой коммунал инфратузилмаси тизими объектларига бўлган ашёвий ҳуқуқлар, шунингдек фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида эга бўлган коммунал ресурсларнинг ўзи ўзига хос хусусиятларга эга. Уй-жой коммунал хизматлар бозоридаги мажбурий-ҳуқуқий воситаларга фуқаролик шартномалари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хизматлар ҳамда юридик жавобгарликларини киришини асослайди<sup>15</sup>.

*П.С. Кондрашова* “мулкдорлар томонидан кўп квартирали уйни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш усулини мустақил белгилаш, кўп квартирали уйни бошқариш шартномасини тузиш эркинлиги, ишларни бажариш тартибини умумий йиғилишда мустақил белгилаш ҳуқуқи кўринишида намоён бўлади. ва уйни бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш, мулкдорлар умумий йиғилишининг қарори билан турар жойни сақлаш учун тўлов миқдорини белгилаш”ни<sup>16</sup> таҳлиллар асосида асослаб берган.

Аҳоли пунктларининг ерларида кўп квартирали уйларнинг эгалари учун қўшимча мулклар, яъни автотранспорт воситалари учун ажратилган туташ ер майдонларида фойдаланиш даражасига бўлган талаблар кескин ошиб бормоқда. Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2024 йил 29 июлдаги “Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, фитосанитария талаблари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, экологик нормалар ва қоидалар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 17-мқ-сон буйруғига ШНҚга кўра, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида битта дона, вилоятларда эса, иккита дона бўлиши мумкинлиги белгиланган<sup>17</sup>. Демак, мамлакатимизда аҳоли сонини кўпайиши албатта аҳоли пунктларининг ерларига оид ҳуқуқий муносабатларнинг ортишига ҳамда ваколатли давлат органлари томонидан ушбу масалалар юзасидан тегишли чоралар ва стратегияларни белгилаб борилишини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодекси<sup>18</sup>нинг (5-модда) кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ер участкаларини умумий фойдаланиш (нотижорат мақсадларда) учун кўп квартирали уйлардаги жойларнинг

<sup>14</sup> Кицай Ю.А. Правовое регулирование отношений в сфере управления многоквартирными домами управляющими организациями. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Иркутск – 2012. – С. 17-18.

<sup>15</sup> *Измайлов Р.Р.* Механизм правового регулирования предпринимательской деятельности на рынке жилищно-коммунальных услуг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Казань – 2022. – С. 14-15.

<sup>16</sup> *Кондрашова П.С.* Защита прав кредиторов при несостоятельности (банкротстве) управляющей организации в сфере жилищно-коммунального хозяйства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2024. – С. 11-12.

<sup>17</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.08.2024 й., 10/24/3545/0590-сон. <https://lex.uz/docs/7050611>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. – № 5-6. – 82-м. <https://lex.uz/docs/152653>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш назарда тутилган бўлса, (маҳаллаий давлат органлари томонидан 63-моддасида) кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари ушбу уйларнинг турар жойлари ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлари мулкдорларига доимий фойдаланиш учун берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 31 мартдаги Уй-жой кодекси<sup>19</sup>нинг 124-моддаси биринчи қисмига ва ФКнинг 211-моддасида биринчи қисмининг мазмунига кўра, *“Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларига шу уйнинг умумий жойларини, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, ертўлалар, чердақлар ва томлар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмаларни ўз ичига олган умумий мол-мулк улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади”* деган бир хил ўхшаш ҳуқуқий нормалар аниқ белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралдаги Шаҳарсозлик тўғрисидаги кодекси<sup>20</sup>нинг мазмунида аҳоли пунктларининг ҳудудий зоналари (63-моддаси)дан бири сифатида турар жойлар белгиланган ва Турар жой зоналари (64-моддаси) кўп қаватли уйлар, ўртача ва кам қаватли уйлар, якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун мўлжалланганлигини алоҳида қайд этишимиз керак.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳалардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда аҳоли пунктларининг ерларида қурилган кўп квартирали уйларга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг илмий таҳлили ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиш борасида қуйидагилар таклиф ва тавсияларни санаб ўтиш мумкин. Хусусан,

*Биринчидан*, кўп квартирали уйларга оид муносабатлар фуқаролик, ер, уй-жой, шаҳарсозлик ва алоҳида қонун, қонун ости ҳужжатларидан иборат ҳуқуқий асослари яратилган. Мазкур ҳуқуқий асосларни тизимлаштириш ва такрор ва ўхшаш нормаларни шарҳланишида ҳуқуқ анологиясига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда аниқлаштириш зарурияти мавжуд;

*Иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 октябрдаги “Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 301-сон қарори<sup>21</sup>ни янги таҳрирда қабул қилиш ва ушбу қарор мазмунида аҳоли пунктларининг ерларида жойлашган барча тоифалардаги ер участкаларини мақомини белгилаш мақсадга мувофиқ.

*Учинчидан*, ҳозирги вақтда талабга жавобга бермайдиган ва мулкдорларни яшаши учун хавф туғдирадиган 17 (ўн етти) мингдан зиёд кўп квартирали уйларни ўрнига, янги замонавий кўп квартирали уйларни қуриш (урбанизация, реновация) дастурлари

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. – № 1. – 4-м. <https://lex.uz/docs/106136#4598054>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>20</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2021 й., 03/21/676/0142-сон. <https://lex.uz/docs/5307951>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. – № 44. – 539-м. <https://lex.uz/docs/2491016>. (Мурожаат вақти: 15.11.2025 й.).

орқали ҳар бир маҳалла, туман, шаҳарча, шаҳарларни қиёфасини яхшилашга эришиш лозим;

*Тўртинчидан*, айнан аҳоли пунктларининг ерларидаги ер участкаси, ер майдонлари чегараланганлиги ва бебаҳолиги боис, аҳолини яшаш шароитларини мунтазам юқорилаш ва Янги Ўзбекистонда “яшил” иқтисодийётга ўтиш ислоҳотларини келгусида ҳам таъминлаш муҳим устувор вазифаларимиздан бири сифатида давом эттирилади.

